

“Бухорони туризм чоррахасига айлантириш имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2019 йил 29 май. -Бухоро: 2019. (2-қисм)

Мазкур тўпланда 2019 йил 29 май куни Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ҳамда Бухоро давлат университети Туризм кафедраси билан ҳамкорликда ўтказилган “Бухорони туризм чоррахасига айлантириш имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг мақолалари акс эттирилган.

Анжуман тўпамидан Олий ва касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактаб ўқитувчилари, катта илмий ходим, мустақил тадқиқотчи ва изланувчилар, магистр ва бакалавр талабалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррирлар:

Б.С.Исомов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи, и.ф.н., доцент

С.С.Рўзиев – Бухоро давлат университети, и.ф.н., доцент

С.У.Тожиева – Бухоро давлат университети Туризм кафедраси мудир, и.ф.н., доцент

Ташкилий қўмита:

1. Б.Н. Наврўз-зода – БухДУ Туризм кафедраси профессори, и.ф.д.
2. А.Т. Жўраев – БухДУ Туризм факултети декани, и.ф.н., доцент.
3. Ҳ.Р.Ҳамроев – БухДУ Туризм кафедраси, и.ф.н., доцент.
4. Д.Ш.Явмутов – БухДУ, и.ф.н., доцент.
5. М.М.Таирова – БухДУ Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.
6. М.Ҳ.Қиличов – БухДУ Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
7. О.К.Хуррамов – БухДУ Туризм кафедраси катта ўқитувчиси
8. Э.А.Фарманов – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси
9. М.М.Аслонов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари
- 10 Қ.Х.Бобомуродов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари

Мазкур тўпланда киритилган мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдир.

2. Ислом Каримов. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза.//“Халқ сўзи”. 1993 йил 29 сентябр.
Кобилова Ф. Т . Бухоро давлат университети

**ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ РЕКРЕАЦИОН
ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**
Эргашева Мавжуда Комилжоновна., Усмонова Мафтуна Ибодулло қизи
Бухоро давлат университети докторанти, Бухоро давлат университети талабаси

Ушбу мақолада Тўдакўл сув омбори ландшафтларининг рекреацион имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар баён қилинган.

Тўдакўл сув омбори ҳудуди чўл, қисман чала - чўл зонасида жойлашган. Шу сабабли маҳаллий сув манбалари атмосфера ёғинларини ҳисобга олмаганда йўқ ҳисобида. Тўдакўл сув омбори 1968 - йилда ишга туширилган. 1977-йилда реконструкция қилинган. Тўлик ҳажми 800 млн м³. Сув юзасининг майдони 17,5 км², ўртача чуқурлиги 4,8 м. Тўғони баландлиги 4 м, максимал сув чиқариш имконияти 46 м³/сек. Ҳозирги кунда ушбу сув омбори инсон қудрати туфайли Бухоро қисман Навоий вилоятини сув билан таъминловчи маскан ҳисобланади [1].

Тўдакўл ҳудудининг ҳозирги ландшафтлари узоқ давр ва турли географик шароитларни кечирган. Бу меросий хусусиятлар ўз навбатида ҳозирги ландшафтларнинг негизи барқарорлиги, биомахсулдорлиги, экологик сифатларига, хуллас уларнинг иқтисодий - ижтимоий салоҳиятини белгилаб турадиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу маънода К.К. Марков (1986) “География учун ер юзасининг ўтмиши, унинг ҳозирги манзарасини билиш учун калитдир”, - деб қайд қилган эди. Ҳозирги ландшафтлар ўтмиш ландшафтларининг ворисидир. Ҳар бир ҳудуд ўзига хос табиий хусусиятга эга. Инсон ўз ҳаёти давомида табиатдан фойдаланишда мазкур ҳудуднинг табиий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, яъни табиат билан уйғун яшашга, унинг имкониятларидан самарали фойдаланишга интилади.

Бугунги кунда Тўдакўл сув омбори қисман Навоий вилояти ва Бухоро вилоятларидаги 200 минг гектарга яқин ерларни сув билан таъминламоқда. Дастлабки даврда сув омборидан аввало ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида фойдаланилган бўлса, ҳозирги кунда эса Тўдакўл базасида балиқчилик, экотуризм, сув спорти, соғломлаштириш каби ўндан ортиқ хўжалик тармоқлари вужудга келган.

Ҳозирги даврда мазкур сув омбори атрофида кўлмакли, ботқоқли ландшафтлар, дам оладиган масканлар ва улар билан боғлиқ инфратузилмалар барпо қилинган. Сув омборларини ўраб турган Қуйимозор, Тўдакўл платоларидан аллювиал негизга эга бўлган қурилиш хомашёси қум – шағал маъдани қазиб олинмоқда. Шу боис қовланган, уйдим – чуқур, ташландиқ ерлар катта майдонларни эгаллаб ётибди. Хуллас, 1965 йилларга қадар фақат чўл, шўрхок яйловзорлардан иборат бўлган бу майдон ҳозирги кунда тобора жўшқин ҳаёт ўчоғига айланиб бормоқда.

Чўл ландшафтлари бошқа зонал ландшафт типларига қараганда ўзига хос рекреацион имкониятларга эга. Рекреация атамаси лотинча рекреацион – тиклаш, яъни меҳнат қилиш давомида сарфланган жисмоний, руҳий кучларни тиклаш, мустаҳкамлаш маъносига эга. Рекреация тарихий категория, инсоннинг турмуш шароити, дунёқараши рекреацияга нисбатан ўзгариб, такомиллашиб боради. Иқтисодий фаровонлик ва у билан боғлиқ бўлган маънавий

етуклик рекреацияга бўлган эҳтиёжни белгилаб туради. Ижтимоий ҳаёт даражаси юксалиб борган сари дам олишга, бўш вақтни мазмунли ўтказишга бўлган иштиёқ ортиб боради.

Кейинги йилларда жаҳон туризмининг ноанъанавий турлари: экотуризм, тарихий-меъморий, археологик, этнографик, диний, агротуризм, фавкулотда ҳодисалар туризми каби соҳалар тез суръатлар билан оммалашиб бормоқда. Қайд қилиш жоизки, булар орасида экотуризм Ўзбекистон Республикаси учун энг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки республикамизда мужассам бўлган чўл, адир, тоғ ландшафтлари, инсон қудрати билан яратилган моддий ва номоддий мерослар бетакрор экотуристтик мазмун-моҳиятга эга. Бу борада чўл экотуризми билан боғлиқ имкониятлар алоҳида истиқболга эга. Республикамиз ҳудудининг 70 фоизини эгаллаб турган чала чўл ва чўл ландшафтлари экотуризмнинг табиий-иқтисодий-ижтимоий пойдевори ҳисобланади. Экотуризм бозорини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун энг аввало ҳар бир ҳудуднинг экологик хусусиятлари ва имкониятларини мукамал ўрганиш лозим. Чунки, ҳудуднинг экологик табиий-ижтимоий асосини билмасдан туриб экотуризм бозорини самарали ташкил қилиб бўлмайди.

Юқорида қайд қилинганидек, сув омбори жуда катта майдонга эга (225 км кв). Тўдакўл сув омборининг жануби - ғарбий соҳили рекреацион ресурслар учун қулай имкониятларга эга.

Биринчидан, ёз пайтларида шимоли - шарқ томондан ёқимли шабада эсиб туради.

Иккинчидан жуда саёз қумли шағалли соҳил чўмилиш ва дам олиш учун қулай. Бундан ташқари табиат манзараларини томоша қилиш имкониятлари юқори [2].

Қайд қилиш жоизки, дам олувчилар учун энг қийинчилик туғдирадиган нарса, бу дала йўлларининг талаб даражасида эмаслиги, иккинчидан дам олиш шарт-шароитнинг тўла-тўқис мавжуд эмаслигидир. Бу ўринда дам олувчиларнинг экологик маданиятининг пастлигини ҳам қайд қилиш жоиз. Уларнинг ўсимлик, хайвонот дунёсига муносабати, дам олиш билан боғлиқ чиқиндиларни бартараф қилиш борасидаги ҳатти-ҳаракатлари санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Мамлакатимизда, жумладан Бухоро-Навоий вилоятларида рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий юксалиш, келгусида Тўдакўл ҳудудига ташриф буюрадиган эркин дам олувчилар сонини кўпайишига олиб келади. Шу боисдан ҳудуднинг рекреацион имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги илмий-амалий тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

1. Қўйимозор – Тўдакўл сув омборларига ёндош ерларда мавжуд бўлган яланг, ташландиқ чағил конларининг айрим қисмлари ҳозирги даврда чиқинди – ахлатхоналарга айлантирилган. Бу ерларни рекультивация, яъни фитомелиорация қилиш зарур. Бунинг учун қора саксовул, шувоқ, или астрагили каби гипофитлардан фойдаланиш лозим.

2. Соҳил олдида мевали дарахтлардан иборат боғ, унинг ғарбий томонида эса қаттиқ қопламли йўлаклар, керакли инфратузилмалар барпо қилинган. Лекин мазкур рекреацион зона кейинги йиллар таъмир талаб бўлиб қолган. Дам олувчиларни кутиб олиш, уларга шарт - шароитларни яратиб беришда камчиликлар кўп. Зонани кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш талаб даражасида эмас. Қазиб ташланган, ташландиқ ерлар, ташландиқ бинолар зонанинг кўркига "соя" ташлаб турибди. Чўмилиш йўлакларида соябонлар ўрнатиш, уларнинг санитария - гигиения, экологик ҳолатини яхшилаш, таъмирлаш лозим.

3. Тўдакўл сув омборининг жанубий соҳилида ҳосил бўлган кўлмакли майдонларни сув ва сув бўйида яшовчи, Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган нодир қушлар учун буюртмаҳона ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

4. Шўрхок ландшафтлардан самарали фойдаланиш мақсадида Хожкаб шўрхоклигида туз, балчиқ санаториясини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, бу шаҳар аҳолисига нисбатан қулай масофада жойлашган. Иккинчидан, туз-балчиқ терапия халққа маълум бўлган анъанавий даволаш усуллари билан бири бўлиб, жуда фойдали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раупов Ў., Эргашева М. К., Назаров И. Қ. Қўйимозор-Тўдакўл мавзеси ландшафтларини оқилона ташкил қилиш хусусида. Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти // Бухоро, 2010. 152-155 б.

2. Эргашева М. К., Бахромова Г.Б Холиқова Ж.В. Тўдакўл - Қуйимозор худуди сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари // Самарқанд, 2013.170-171 б.

3. Эргашева М. К., Суннатов З. Тўдакўл-чўл зонасидаги нодир гидротехник иншоот. Республиканский учебно-методический и познавательный журнал. Казахстан, 2018. 12-14 стр.

ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Қодиров Давронбек, БухДУ

Туризм факультети 1-босқич талабаси Қодиров Туронбек

Бўш вақтини ўз уйидан йироқда –тоғ ёнбағрлари, ўрмонда ва кўл бўйида ўтказишни ёқтирадиган кишилар туризмни кундалик ташвишлардан кутулиш воситаси сифатида туризмни танлайдилар. Дунёни кўзи билан кўриш, эшитиш туризмнинг муҳим жиҳатларини ҳис қилиш ўзида инсонпарварлик салоҳиятини мужассам қилади. Фаолиятнинг турли соҳалари саёҳатга нисбатан кучли иштиёқни вужудга келтиради. Саёҳатчилар қизиқишини оширадиган ва туристик йўналишлар жозибадорлигига таъсир кўрсатадиган муҳим нарса бу унинг маданий ва ижтимоий характеристикаси ҳисобланади. Туристларда кучли қизиқиш уйғотадиган шундай халқ маданияти элементлари бўлиб, илм, дин, санъат ва тарих ҳисобланади. Бошқа мамлакат маданияти ва урф-одатлари билан танишиш инсоннинг маънавий оламини бойитади. Инсон ўз ҳордиғини ранг-баранг бўлиши учун янги маданий ресурсларни ўзлаштиради.

Туристлик бизнес бораган сари янги ҳудудларни ва янги маданий маконларни эгалламоқда. Европа ва Америка бозорларида туристик ресурслардан фойдаланиш ўз чегарасига етгани сир эмас, шунинг учун туристик хизмат кўрсатувчи мутахассислар ўз назарларини Ўзбекистонга қаратмоқдалар. Туристлик инфратузилмани яратаётганда энг муҳими ўлканинг тарихий ва ўзига хос қиёфасини бузмаслик ҳисобланади. Ҳар бир ташкил этиладиган туристик марказ ёки объект миллий хусусиятга ва тарихий қиёфасига мувофиқ бўлиши лозим. Табиий тарихий паркларни яратиш маданий ва тарихий обидаларни яхлит меъморий ландшафт ҳамда маданий мажмуа сифатида қутқаришга хизмат қилиши керак. Миллий бойлик, тарихий кадр-қиммат саналадиган маданий мерос, табиий ва маҳаллий ландшафтни тиклашни ҳамда қўриқлашни амалга ошириш зарур.

Туризм ҳозирги кунда фанларни ўрганиш объекти сифатида кўпқиррали ходиса ҳисобланади. Чунки туризм нафақат кўпгина давлатлар иқтисодини, балки уларнинг мероси, анъаналари, дини ва ҳунармандчилигини қамраб олади. Вилоятларимизнинг барчаси ўзининг тарихий объектлари, қадимги шаҳарлари, табиати, тарихий ва маданий обидаларга бой. Улар турғун ва қотиб қолмаслиги керак. Мазкур ҳудудларни ривожлантириш учун тарихий жиҳатдан шу маконда шаклланган анъанавий фаолият турларини туризм соҳаси каби инновацион турлар билан ривожлантириш керак. Ўз навбатида фаолиятнинг янги турлари мавжуд хўжалик, ижтимоий маданий ва табиий жараёнларни бўғиши эмас, балки тўлдириши зарур. Туристлик фаолиятда атроф муҳит билан ўзаро таъсир юз беради.

Маданий, тарихий ва табиий мерос қуйидаги категорияларга бўлинади:

- Туристлар фойдаланадиган бойликлар (фестивал, томоша, обидалар);
- Вилоятларнинг мусиқий потенциали маданиятнинг жозибадор унсури саналади. машҳур мусиқий фестиваллар минглаб иштирокчиларни ҳар йили йиғади. Мусиқа орқали маҳаллий маданият таништирилади. Шунинг учун фольклор фестивалларини ўтказиш мақсадга мувофиқ;
- Аралаш фойдаланиладиган бойликлар (аҳамияти камроқ обида ва музейлар, театр, қўриқхона ва ҳ.к.);
- Асосан маҳаллий аҳоли фойдаланадиган бойликлар (фуқаролик бинолари, кинотеатр, кутубхона, культ объектлари ва ҳ.к.).

Масалан, адабий ёдгорликлар камроқ аҳамият касб этсада, бироқ ўз туристик мотивига эга ва турли туристик дастур ҳамда маршрутларни ташкил қилади. Бадиий асарлар

OPEN-AIR MUSEUM Alisher Shirinov, master of fine arts and engineering graphics Department	165
ZARAFSHON EKOTURISTIK RAYONINING EKOTURISTIK IMKONIYATLARI Xolov Yo. D, Sharipova Z. Buxoro davlat universiteti	165
ОЛТИН СУВИ ЮРИТИЛГАН БИТИКЛАР Равшанов Ўктамали. Бухоро давлат музей-кўриқхонаси Тарих илмий бўлими мудири	168
ОСОБАЯ РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО БРЕНДА Файзиева Сайёра Аннамурадовна стар. пред (БухГУ)	170
БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ Факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси М.Р.Очилова ва Бошланғич таълим 3-курс талабаси Н. Жахонова	173
ЎРТА АСР ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДА Розикова Нодира Тўлқиновна Бухоро Нефть ва Газ саноати касб-хунар коллежи	175
ШАРҚ ВА ҒАРБ МАДАНИЯТИ: ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТЎҚНАШУВИ Розикова Нодира Тулкиновна БНГСКХК ўқитувчиси Қобилова Ф.Т БДУ ўқитувчиси	177
ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ РЕКРЕАЦИОН ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ Эргашева Мавжуда Комилжоновна., Усмонова Мафтуна Ибодулло қизи Бухоро давлат университети докторанти, Бухоро давлат университети талабаси	179
ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ Қодиров Давронбек, БухДУ Туризм факультети 1-босқич талабаси Қодиров Туронбек	181
ТУРИЗМ СОҲАСИДА МАДАНИЯТ ВА ЭТИКА Қодиров Давронбек Ҳошимович. БухДУ Туризм факультети 1-босқич талабаси Қодиров Туронбек	182
ЭЗОТЕРИК ТУРИЗМ Қодиров Давронбек Ҳошимович. БухДУ. Мавлонова Ўғилой Ҳамдамовна. БухДУ	184
ПСИХОЛОГИК ТУРИЗМ Қодиров Давронбек Ҳошимович БухДУ	185
“SERVICE” – A MODEL FOR MEASURING SERVICE QUALITY IN THE HOTELS OF BUKHARA. M.X.Kurbanova, BSU, lecturer. Z.A.Kurbanova, BSU, student	187
THE SIGNIFICANCE OF DEVELOPING SUSTAINABLE YOUTH TOURISM IN UZBEKISTAN. Abror Juraev, Akhrorova Nilufar, student,	189
PLAN OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT PROGRAM INTENDED FOR BUKHARA HOTELS.Davronov I.O., teacher, Khalimova N.J., student, Bukhara State University	191
BO`LAJAK KASB TA`LIMI O`QITUVCHILARNING KASBIY MOBIL KO`NIKALARINI SHAKLLANTIRISHNING AXBOROT METODIK TA`MINOTINI TAKOMILLASHTIRISHDA MADANIY ME`ROSIMIZNING ROLI BDU “Turizm” kafedrası o`qituvchisi Ruziyeva G.F.	193
ИБН ХАЛДУН ТАЪЛИМОТИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ШАХС МАСАЛАСИ. А.Т. Қаюмова. Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси	195
INNOVATIVE WAYS OF IMPROVING EXCURSION SERVICE AROUND THE TOURISTIC DESTINATIONS Davronov Istamkhujja Olimovich.Bukhara State University Lecturer in Tourism Department . Bukhara, Uzbekistan.	197